

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲҚAMASINING
ҚАРОРИ

168 Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ-2778-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тўғрисидаги низом 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасини бошқариш кенгашининг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 март,
141-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 мартдаги 141-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик деб аталади) маданият соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Вазирлик тизимида:

Вазирликнинг марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маданият бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) маданият бўлимлари;

Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази;

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси;

Бадий экспертиза бошқармаси;

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бош дирекцияси;

«Ўзбекконцерт» давлат муассасаси;

Вазирликка идоравий мансуб бошқа маданият ва таълим муассасалари киради.

4. Вазирлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

5. Вазирлик тизимининг моддий-техника таъминоти ва ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар ҳисобига ва улар доирасида, Вазирлик тизимидаги муассасалар ва ташкилотларнинг даромадлари, бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўладилар.

2-боб. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

7. Қўйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, санъат ва бадиий ижодни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтиришни рағбатлантириш, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёшлар орасида миллий онгда Мустақиллик ғояларини янада теран томир ортиришга, юксак маънавият, инсонпарварлик анъаналарига садоқат, миллий ўзликни англаш ғояларини янада чуқур сингдириш, радикализм ва экстремизмнинг ёт ғояларига қарши иммунитетини мустаҳкамлаш, жамиятнинг муттасил ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган оммавий-маданий тадбирларни ўтказишга қаратилган маърифий ишларни амалга ошириш;

бадиий ижод, шу жумладан театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи асарлар яратишда ижодий жамоаларга, айниқса ижодкор ёшларга ҳар томонлама кўмаклашиш;

маданият муассасалари, жумладан театрлар, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, музейлар ҳамда бошқа маданий-маърифий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, маънавий етук, интеллектуал баркамол ва юксак маданиятли шахсларни тарбиялаш ишида ушбу муассасалар имкониятларидан янада тўлиқ фойдаланиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жумладан, маҳаллий ҳокимият идоралари, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, ижодий уюшмалар ва бошқа ташкилотлар билан асосий вазифалар ҳамда фаолият йўналишларини, маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишда, маданият ва ижодий муассасалар ишининг самарадорлигини таъминлашда мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш;

маданият соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида такомиллаштириш, бунда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, илғор халқаро тажрибадан фойдаланиш, маданий-маърифий муассасалар ва таълим муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

давлатлараро ва халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг маданий меросини, мамлакатимиз ижодий жамоалари ва муаллифлари асарларини, шу жумладан конференциялар ва

кўргазмалар, маданий тадбирлар ва анжуманлар ўтказиш йўли билан чет элларда кенг тарғиб қилиш, маданият соҳасига хорижий инвестициялар ва грантлар жалб этиш, шунингдек маданият соҳасига оид оммавий адабиётларни чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш.

8. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг маданият ва санъат соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

Вазирлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиш мониторингини олиб боради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик бўйича халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилишини таъминлайди;

театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини ривожлантиришни таъминлайди, халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини, унинг ҳозирги ҳаётини, мустақил ривожланиш тажрибасини акс эттирувчи асарлар яратишда ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам беради;

кадрларни миллий ва умуминсоний кадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида тайёрлаш жараёнини ташкил қилади, кишиларнинг ўзининг умумтаълим ва маданий савиясини оширишга интилишини рағбатлантириш, уларни миллий, жаҳон маданияти ва санъатининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш ишларини амалга оширади;

Вазирлик тизими кадрлари малакасини оширишни, уларни қайта тайёрлашни, тажриба орттиришларини ва аттестациядан ўтказишни таъминлайди;

музейларда миллий мустақиллик ғояларига ҳамоҳанг бўлган, ўзбек халқининг бой маданий меросини, унинг инсоният тарихидаги роли ва аҳамиятини, унинг ривожланиш босқичларини ҳаққоний акс эттирувчи экспозицияларнинг ташкил этилишини, шунингдек замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганишни, музейшунослик, музейлар фондларидаги экспонатларнинг ягона каталогини юритиш бўйича умуммиллий сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлайди;

республика аҳолисини Ўзбекистон халқлари тарихи тўғрисида хабардор қилувчи чет элларда сақланаётган қадимий буюмлар, шунингдек мамлакатимиз музейларида намоёиш қилинаётган ноёб экспонатлар билан кенг таништириш воситасида одамларда умуминсоний кадриятларни, бой миллий маданий меросни ҳурмат қилиш ва эътироф этиш туйғусини тарбиялашга кўмаклашади;

Миллий музей фонди Давлат каталогини юритади, музей ашёлари ва музей коллекцияларини белгиланган тартибда унинг таркибига киритади ва унинг таркибидан чиқаради;

Миллий музей фонди ҳолати юзасидан, шунингдек маданий ва археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича

қонун ҳужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

маданий ва археологик мерос объектларини муҳофаза қилиш, кўриқлаш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда қатнашади;

маданий мерос объектларини таъмирлаш, консервация, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат дастурларининг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

моддий маданий мерос объектларининг Давлат кадастрини ва Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритади, уларни тарихий-маданий экспертизадан ўтказишни, муҳофаза ва тарғиб қилишни ташкил қилади ва амалга оширади;

археология буюмларининг Давлат каталогини юритади, унда рўйхатдан ўтказилган археология буюмларини рўйхатдан чиқариб ташлаш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

белгиланган тартибда маданий бойликларга тааллуқли буюмларнинг тоифасини аниқлайди;

маданий бойликларнинг Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши, вақтинча олиб чиқилиши тўғрисида қарорлар қабул қилади;

олиб чиқилаётган ва олиб кирилаётган, шунингдек вақтинча олиб чиқилаётган ва вақтинча олиб кирилаётган маданий бойликларни рўйхатга олади;

олиб чиқиладиган, вақтинча олиб чиқиладиган, шунингдек вақтинча олиб чиқилганидан кейин қайтариб олиб келинган маданий бойликларни экспертизадан ўтказишни таъминлайди;

маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва вақтинча олиб чиқилиши ҳуқуқини берувчи сертификатлар беради;

ушлаб қолинган ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мусодара қилинган маданий бойликларни тегишли давлат органларидан қабул қилиб олади, уларни экспертизадан ўтказиши ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

Вазирлик тизимида кирувчи ташкилотларнинг жамоалари ва яққохон ижрочиларининг гастроль-концерт фаолиятини, шу жумладан чет эллардаги гастроль-концерт фаолиятини ташкил қилади;

республикада ва хорижий мамлакатларда профессионал санъат ва ҳаваскорлик санъати фестиваллари, кўрик-танловлари, шунингдек кўргазмалар ўтказилишини ташкил қилади;

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши билан биргаликда республика концерт саройлари, концерт заллари ва стадионларида ўтказиладиган маданий-маърифий ҳамда концерт тадбирларининг тематик, репертуар режалари ва дастурларини такомиллаштиришга доир ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

мамлакатимиз таълим муассасаларида дарс бериш ва маҳорат дарсларини ўтиш учун республика ва хорижий мамлакатларнинг таниқли ижрочила-

рини ҳамда маданият ва санъат арбобларини, етук педагог-мутахассисларини таклиф қилади;

чет элларда ўқиётган ва самарали ижодий фаолият кўрсатаётган ижодкор ёшларнинг республикада ўтказиладиган кўриклар, танловлар ҳамда фестивалларда қатнашишини таъминлайди;

иктидорли ёшлар ва санъат арбобларининг ижодий сафарларини ташкил қилишни ҳамда уларнинг халқаро кўламда ва республика миқёсида маданият ва санъат соҳасида ўтказиладиган кўриклар, танловлар, фестивалларда, бошқа анжуманларда иштирок этишини таъминлайди;

культурология, театршунослик, санъатшунослик, муסיқашуносликни ва ушбу соҳадаги бошқа илмий йўналишларни ривожлантириш, таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўради;

драматик, муסיқали, муסיқали-драматик асарлар, тасвирий ва амалий санъат ва ҳайкалтарошлик асарлари яратишга давлат буюртмаларини амалга оширади;

ижодий жамоалар, маданият ва санъат мутахассисларини, арбобларини уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, халқаро танловлар, фестивалларда ва чет эллардаги бошқа тадбирларда қатнашиш учун тайёрлашни, жўнатишни ва қабул қилинишини таъминлайди;

жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқлари, хорижий мамлакатларда маданият ва санъатни ривожлантиришнинг илғор тажрибаси умумлаштирилишини, ушбу ютуқларнинг соҳада жорий этилишини таъминлайди;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар билан биргаликда маданият ва санъат соҳасида илмий тадқиқотлар ривожланишига кўмаклашади, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этади ва ушбу ишлар олиб борилишини мувофиқлаштиради;

маданият ва санъат бўйича ўқув дастурлари, қўлланмалар ва бошқа илмий-методик адабиётларни ишлаб чиқишда иштирок этади, шунингдек уларни тасдиқлайди;

маданият ва санъатни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни, маданият ва санъат соҳасига тааллуқли дастурий-методик хужжатларни ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлайди, уларнинг тўғри бажарилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви бошқа органлари билан биргаликда маданият ва санъат арбобларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этади;

аҳолининг кенг қатламлари орасида маданий ва концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда мамлакатнинг давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларига кўмаклашади;

идоравий мансуб ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришда ва уларни ахборот билан таъминлашда, маслаҳат бериш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ҳамда бошқа ёрдам турларини кўрсатишда уларга кўмаклашади;

барча мавжуд маданият иншоотлари, кутубхоналар, театрлар, маданият

ва аҳоли дам олиш марказлари, маданият саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа маданий-маърифий муассасаларни хатловдан ўтказди;

маданият ва санъат соҳасидаги улкан ютуқлар учун мукофотлар таъсис этиш ва Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларини бериш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

халқаро маданият алоқаларини амалга оширади ва ривожлантиради;

9. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзининг ҳудудий бўлинмалари, ўзига идоравий мансуб бошқа ташкилотлар орқали амалга оширади.

3-боб. Вазирликнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

давлат бошқаруви органларидан ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Вазирлик ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга доир маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича зарур статистик маълумотларни давлат статистика органларидан бепул асосда олиш;

Вазирликнинг ва унинг идоравий мансуб тузилмаларининг давлат мулкани бегараз фойдаланиш ҳуқуқи билан ўз ташкилий тузилмаси доирасида бир бўлинмадан бошқа бўлинмага белгиланган тартибда ўтказиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича илмий ишларни амалга ошириш ва тадқиқотлар олиб бориш учун — идоравий мансуб Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик марказига, ахборот-компьютер технологияларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва кузатиб бориш бўйича буюртмаларни Вазирлик ҳузуридаги Ахборот ва компьютер технологиялари марказига тендер (танлов) ўтказмасдан жойлаштириш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

биноларга хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга, инвентарь ва хўжалик анжомлари, автотранспорт, алоқа воситаларини, ҳисоблаш, компьютер техникасини ва ташкилий техникани сақлаш ва улардан фойдаланишга, дастурий таъминотни харид қилишга белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этишга шартнома асосида илмий ташкилотларни, олим ва мутахассисларни, шу жумладан чет эллар олимлари ва мутахассисларини жалб этиш;

белгиланган тартибда Жаҳон Интернет ахборот тармоғида расмий веб-сайтлар яратиш, ўз фаолиятини ёритиб бориш учун ижтимоий тармоқлар ва медиа-ресурслардан фойдаланиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича хорижий давлатларнинг тегишли тузилмалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғи бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг ваколатли ташкилотлари билан маданият масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар тузиш;

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлик тизимига кирувчи ташкилотлар тоифасини ўзгартириш бўйича таклифларни тайёрлаш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиш;

умумхалқ байрамлари, юбилейлар, маданий-оммавий тадбирларни белгиланган тартибда ташкил этиш ва ўтказиш;

Вазирлик тизимига кирувчи театр-томоша ташкилотлари, маданий-маърифий ва таълим муассасаларини жиҳозлаш учун ёритиш ва овоз ёзиш қурилмалари, мусиқа асбоблари, инвентарь ва бошқа зарур жиҳозларни марказлаштирилган тартибда харид қилиш;

музей фондларини ва асарлар кўргазмаларини тўлдириш учун тарихий-бадий қимматга эга бўлган кино-театр, тасвирий ва декоратив-амалий санъат асарлари, ноёб қадимий раритетларни ҳамда материалларини, ноёб қадимий буюмларни, шунингдек сахна ва мусиқа асарларини, қўшиқларни аниқлаш ва сотиб олиш, музейлар фондларидаги экспонатларнинг ягона каталогини нашр этиш;

республикада ўтказиладиган халқаро танловлар, кўриклар, фестиваллар ва бошқа тадбирларда қатнашиш учун хорижий жамоаларни ва алоҳида ижрочиларни таклиф этиш;

Вазирлик тизимига кирувчи таълим муассасаларида дарс бериш, шунингдек маҳорат дарслари ўтказиш учун юқори малакали профессорлар ва ўқитувчиларни, республикамиздаги ва чет эллардаги таниқли маданият ва санъат арбобларини таклиф этиш;

маданият ва санъат соҳасида иқтидорли ёшлар вакилларини аниқлаш, уларни чет элларга ўқишга юбориш;

бадий ҳаваскорлик жамоаларига, маданият муассасаларига «Халқ», «Болалар намунали жамоаси», «Халқ музейи» унвонлари, дипломлар, ёрликлар бериш ва совринлар билан мукофотлаш;

Вазирлик маблағларини, шу жумладан бюджетдан ташқари маблағларни Вазирлик тизими ташкилотлари томонидан ўтказиладиган маданий-оммавий ва концерт-томоша тадбирлари ташкил этилишига, маданият ва санъат арбобларини турли фестиваллар (танловлар) ва шу кабиларга тайёрлаш ҳамда уларда қатнашиш учун йўналтириш;

фестиваллар, танловлар ва бошқа тадбирлар голиблари, қатнашчилари ва фахрий меҳмонларини эсдалик совғалари билан мукофотлаш;

энг иқтидорли санъат арбоблари, алоҳида фидокорлик ва меҳнатсеварлик фазилатларини намоён қилган маданият соҳаси ходимлари номзодларини мукофотлашга белгиланган тартибда тақдим этиш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4-боб. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

11. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Вазир (кейинги ўринларда Вазир деб аталади) бошчилик қилади.

Вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бир нафар биринчи ўринбосари ва икки нафар ўринбосари бўлади.

12. Вазир:

Вазирлик фаолиятига яқка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади ҳамда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

вазир ўринбосарлари ва Вазирлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, Вазирлик фаолиятининг алоҳида йўналишлари ва участкаларига раҳбарлик қилиш юзасидан ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар иши юзасидан шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

зарурат бўлганда, Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар бош бошқармаси, туманлар (шаҳарлар) маданият бўлимлари, шунингдек Вазирликка идоравий мансуб ташкилотлар ходимларининг белгиланган чекланган умумий сони ва иш ҳақи фонди доирасида тасдиқланган тузилмага ўзгартиришлар киритади;

ўз ваколати доирасида Вазирлик тизими ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва фармойишлар беради;

Вазирлик марказий аппарати ходимларининг белгиланган чекланган умумий сони ва иш ҳақи фонди доирасида харажатлар сметасини ва штатлар жадвалини тасдиқлайди, Вазирликнинг Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштирилувчи идоравий мансуб ташкилотларининг штатлар жадваллари ва харажатлари сметаларини рўйхатдан ўтказди;

Вазирликка идоравий мансуб ташкилотлар уставларини, марказий аппарат бўлинмалари тўғрисидаги низомни, вилоятлар маданият бошқармалари, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси тўғрисидаги низомларни, шунингдек туманлар (шаҳарлар) маданият бўлимлари тўғрисидаги намунавий низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Вазирликнинг марказий аппарати ходимларини, Вазирликка идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини, вилоятлар маданият бошқармалари бошлиқларини ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси бошлигини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси Ва-

зирликка ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига бўйсундилар ва ҳисоб берадилар;

Туман (шаҳар) маданият бўлимлари тегишли равишда ҳудудий маданият бошқармаларига ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармасига ва туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундилар ва ҳисобот берадилар.

14. Лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш:

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири билан келишган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

вилоятлар маданият бошқармалари бошлиқлари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси бошлиғи тегишли равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

туманлар (шаҳарлар) бўлимлари мудирлари — туман (шаҳар) маданият ва аҳоли дам олиш марказлари директорлари тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик номенклатурасига кирувчи идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси тўғрисидаги низомлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан келишган ҳолда Вазирликнинг буйруқлари билан тасдиқланади;

Туманлар (шаҳарлар) бўлимлари тўғрисидаги низомлар тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари билан келишган ҳолда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири, вилоятлар маданият бошқармалари ва Тошкент шаҳар маданият бош бошқармасининг буйруқлари билан тасдиқланади.

16. Вазирликда Маданият вазири (Ҳайъат раиси), унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, шунингдек Вазирлик фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи Вазирликнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда Ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг аъзолари сони ва шахсий таркиби Маданият вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат қуйидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:

қонун ҳужжатларида белгиланган маданият соҳасидаги сиёсат амалга оширилишини янада такомиллаштириш бўйича Вазирлик фаолиятининг асосий концептуал йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларида, Ҳукумат қарорларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни таъминлаш учун ижро интизомини мустаҳкамлаш, Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш.

Ҳайъат Вазирлик ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Ҳайъат мажлисига Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

Ҳайъат унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Вазир ва Ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда Вазир пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хабар қилишлари мумкин.

Ҳайъат фаолияти тартиби унинг ҳайъат тасдиқлайдиган регламентида белгиланади.

5-боб. Моддий рағбатлантириш чоралари

17. Вазирлик ходимларини моддий рағбатлантириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

18. Вазирлик ходимларининг иш ҳақи қонун ҳужжатларида назарда тутилган лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча тўлов, устама ҳақ, рағбатлантириш тўловларидан иборат.

6-боб. Яқунловчи қоида

19. Вазирликни тугатиш ва қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 мартдаги 141-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш
жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан
фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси ҳамда Бадиий экспертиза бошқармасининг бюджетдан ташқари маблағларига татбиқ этилмайди.

3. Жамғарма маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида очилган Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг махсус бюджетдан ташқари ҳисоб рақамида тўплашни таъминлаш мақсадида, юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда ташкил этилади.

2-боб. Жамғарманинг мақсади ва асосий вазифалари

4. Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун ундириладиган давлат божидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва даромадларини тўплаш ва уларни «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси таъминотига, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш Жамғарма ташкил этилишининг мақсади ҳисобланади.

5. Маблағлар тўпланишини таъминлаш ва уларни қуйидагиларни молиялаштириш Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекконцерт» давлат муассасаси таъминоти;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги муассасаларнинг замон талабларига мувофиқ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда мукамал ва жорий таъмирлаш тадбирлари;

маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, маданият ва санъат арбобларини республика ва халқаро миқёсдаги фестивалъ ва танловларда иштирок этишга тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизими ходимларини

моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларига маблағларни мақсадли ажратиш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги муассасалардаги кадрлар малакасини оширишни ташкил этиш ва уларни зарур адабиётлар ва даврий нашрлар билан таъминлаш;

маданият муассасаларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган бошқа тадбирларни амалга ошириш.

3-боб. Жамғармани бошқариш

6. Жамғармани бошқариш фаолияти Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Ҳайъати томонидан тартибга солинадиган Жамғарма кенгаши томонидан амалга оширилади.

7. Қуйидагилар Жамғарма Кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади: Жамғарманинг кейинги йил учун даромадлар ва харажатлар сметасини ҳар йили 25 декабрга қадар тасдиқлаш;

чорак якуни бўйича Жамғарма маблағларининг тушуми ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш;

Жамғармани қўллаб-қувватлаш ва унга хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиш;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

8. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг жамғарма маблағларини бошқариш бўлими (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Бўлим Жамғарма маблағлари шаклланиши ва сарфланишини мониторингини юритади. Бўлим фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бўлим ходимларига Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби татбиқ этилади.

9. Қуйидагилар бўлимнинг вазифалари ҳисобланади:

Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини тайёрлаш;

Жамғарма маблағлари тушумларини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

сўровларни умумлаштириш ҳамда уларни Жамғарма кенгашида кўриб чиқиш учун киритиш;

Жамғарма маблағларидан фойдаланишни жорий назорат қилиш, ҳисобини юритиш ва мониторингини олиб бориш;

Жамғарманинг ажратилган маблағларидан мақсадли фойдаланилишини жойларда ўрганиш;

Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботни ҳар чорақда камида бир марта Жамғарма кенгашига такдим этиш.

10. Жамғарма маблағларининг ҳисоб ва ҳисоботини юритиш ҳамда жорий хизмат кўрсатиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг иқтисодий таҳлил ва молия бошқармаси ҳамда бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

4-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

11. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия берилганлиги учун ундириладиган давлат божидан тушган маблағларнинг 70 фоизи миқдоридagi ажратмалар;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги фаолият турлари бўйича бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасига тушаётган маблағлардан 20 фоиз миқдоридagi ажратмалар;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги давлат корхоналарининг фойдасидан ажратмалар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахслар, халқаро ташкилотларнинг хайр-эҳсонлари, грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

12. Ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган манбалардан Жамғармага ажратмалар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги тегишли ташкилотлар томонидан ҳисобот оyi учун кейинги оyнинг 10-кунидан кечиктирмай ўтказилади.

13. Жамғармага ажратмалар ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги тегишли ташкилотлар раҳбарлари ва бош бухгалтерлари зиммасига юкланади.

14. Жамғарманинг ўтган йилда ишлатилмаган маблағлари олиб қўйилмайди ва жорий йилда ушбу Низомда кўрсатилган мақсадлар учун сарфланади.

5-боб. Жамғарма маблағларини сарфлаш тартиби

15. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ва бўлим таъминотига харажатлар қоплангандан сўнг Жамғарма маблағлари Жамғарма кенгаши томонидан тасдиқланган Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасига мувофиқ қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

маблағларнинг камида 75 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг маданият муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шу жумладан уларни жиҳозлаш ва таъмирлашга, маданият ва санъат арбобларини республика ва халқаро миқёсдаги фестиваль ва танлов-

ларда қатнашиш учун юборишга, кадрлар малакасини оширишга, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан ўтказиладиган мониторинглар билан боғлиқ хизмат сафари харажатларини қоплашга ва маданият муассасаларининг фаолиятини янада такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа тадбирларни молиялаштиришга;

қўпи билан 25 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги муассасалар ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилишга.

16. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаси бюджет ташкилотлари учун бюджетдан ташқари маблағлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда (йил чораклари, манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича) тузилади ҳамда Жамғарма кенгаши томонидан тасдиқланади.

17. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Жамғарма Кенгаши томонидан тасдиқланган ҳолда, Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

18. Жамғарма маблағларининг тақсимловчиси Жамғарма Кенгаши томонидан белгиланади.

6-боб. Ҳисоб, ҳисобот ва назорат

19. Жамғарма маблағларининг ҳисоб ва ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағларидан бўлак ҳолда алоҳида юритилади.

20. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Ҳайъати йиғилишида кўриб чиқилади ҳамда ҳар йили 15 мартгача Жамғарма кенгаши томонидан тасдиқланади.

21. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 15 мартдаги 141-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш
жамғармасини бошқариш кенгашининг
ТАРКИБИ**

- Муратов М.М. — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Кенгаш раиси
лавозими бўйича — Маданият вазирининг биринчи ўринбосари, Кенгаш раиси
ўринбосари
- лавозими бўйича — Маданият вазири ўринбосари
- лавозими бўйича — Маданият вазири ўринбосари
- лавозими бўйича — «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси директори
- лавозими бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш бош бошқармасининг бошлиғи
- Маъсудов Ф.Х. — Ўзбек миллий академик драма театри директори
- Файзиева В.С. — Ўзбекистон давлат санъат музейи директори
- лавозими бўйича — Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағларини бошқариш бўлими бошлиғи, Кенгаш котиби.

Изоҳ: Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Кенгаш таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.